КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ЯНВАРЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ ОБЛАСТЬ МЕҲНАТКАШЛАРИНИ ЯНГИ ҒАЛАБАЛАРГА РУҲЛАНТИРМОҚДА

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 19 (1797) | 25 январь, чоршанба, 1961 йил | Баҳоси 2 тийин

Калинин районидаги Карл Маркс номли колхознинг сут соғувчилари КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг материалларини зўр эътибор билан ўрганишмоқда. Суратда: номи Пленумнинг юксак минбаридан тилга олинган донгдор сут соғувчи Бўриниса Исҳоқова ўз ҳамкасбларини КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорлари билан таништирмоқда.

Р. Шамсуддинов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Ташаббускор чорвадорларимиз сафида бўлинг!

Саҳий ёз ва олтин куз палласи кенг яйловларда қўра-қўра қўйларини семиртириб боқкан, унинг туёғини кўпайтириш учун курашган чўпонлар, говмиш сигирлардан тонна-тоннаналаб сут соғиб олган опа-сингиллар, чўчқачиликни тинмай ривожлантириш учун астойдил бел боғлаган бизнинг чижларимиз КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қарорларини зўр мамнуният билан кутиб олдилар. Сут-товар фермаларида, отарларда, бўрдоқичилик базаларида, паррандачилик фермаларида партиямизнинг навбатдаги XXII съезди шарафига социалистик мусобақа кенг авж олиб кетди.

Ёғ-гўшт сероб бўлсин, сут-қатиқ мўл-кўл бўлсин, эл-юрт дастурхони тўкин бўлсин деган туйғуни ўз юракларида чуқур ҳис этаётган, ғайратлари жўш уриб турган чорвадорлар дилларни қувонтириб олижаноб ташаббус бошламоқдалар. Улар янги — навкирон 1961 йилда она-Ватанга 2—3 йиллик план миқдорида гўшт сотамиз, фермаларимизда сут булоғи барпо этамиз, қўй-қўзилар туёғини, соғин сигирлар ва чўчқалар сонини янада кўпайтирамиз, деб дадил ишонч билан баралла айтмоқдалар.

Янгийўл районидаги Сталин номли колхоз чорвадорлари улкан зафарларга бой бўлган 1960 йилни катта муваффақиятлар билан якунлашди. Мажбуриятдаги 110 тонна ўрнига 128 тонна гўшт сотиб икки йиллик плани бир йилдаёқ ҳўндиришди. Колхозда ўтган йили пландаги 227 ўрнига 310 тонна сут соғиб олинди.

Колхоз чорвадорлари ўз зиммаларига юксак социалистик мажбурият олишди. Улар 1961 йилда она-Ватанга 140 тонна гўшт сотиб, икки ярим йиллик планни бажарамиз, 360 тонна сут соғиб олиб, бир йилнинг ўзидаёқ икки йиллик планни бажарамиз деб аҳд қилдилар. Бунинг учун колхозда барча имкониятлар мавжуд. Қишлоқ учун етарли емхашак бор, чорва моллари иссиқ binolar билан таъминланган, 205 бош қорамол, 50 бош чўчқа, 200 бош қўй бўрдоқига боқилмоқда. Колхоз чорвадорлари партиямиз Марказий Комитетининг январь Пленуми очилиш кунига давлатга 60 тонна гўшт сотиб, 1961 йил планининг бажарилишини таъминладилар.

Янги йилни янгидан-янги меҳнат совғалари билан якунлаймиз, деб ватанпарварлик ташаббуси бошлаётган колхозлар, оддий чўпон, сут соғувчилар, чўчқабоқарлар областимизда оз эмас. Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли, «Қизил туғ», Калинин районидаги Сталин номли, Охунбобоев номли колхозларнинг азамат чорвадорлари зиммаларига олган мажбуриятларнинг юксак рақамлари кишини ҳурсанд қилади.

Қани, энди областимизнинг барча колхоз, совхозларида ҳам чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш йўлида ана шундай маҳоналик билан кураш олиб борилаётган бўлса, кошки эди улар ҳам чорва қишловини намунали ўтказиб молларни қишдан соғ-саломат чиқариб, зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини қойил қилиб қўйиш учун зарур тадбирларни изчиллик билан амалга ошираётган бўлсалар.

Мажбурият олдингми, уни бажар — давримизнинг ўртага ташлаган шиори ана шу!

КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорида: «Шундай фактлар оз эмаски, ходимлар мажбуриятларни масъулиятсизлик билан оладилар, планни шунча бажарамиз, деб ҳамма ёққа жар соладилар, бу ҳақда бюрократларча оғиз кўпиртирадилар, лекин мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдиган ташкилий чораларни кўрмайдилар ва натижада мажбуриятларни бажаришни барбод қиладилар» деб кўрсатилган. Бундай ҳодисалар областимизнинг баъзи хўжаликларида ҳам йўқ эмас. Биз қуруқ гап билан иш тутадиган, ишчи-ишчи ана шундай кишиларга кескин зарба беришимиз лозим.

Чиноз районида планда белгиланган 28 минг тонна ўрнига фақат 18 минг тонна ем-хашак тайёрланди, Пискент районида 40,5 минг тонна ўрнига 27 минг тонна силос бостирилди, холос. Бекобод, Чиноз, Гулистон районлари колхоз ва совхозлари чорва молларини иссиқ binolar билан таъминлаш, эскиларини ремонт қилишдек муҳим соҳага етарли эътибор бермадилар. Натижада айрим хўжаликларда соғин сигирлар сути камайиб кетмоқда. бўрдоқига боқиш ҳам талабга жавоб бермайди. Бу йўл билан кўзлаган маррага етиб бўлмайди.

Район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари колхоз, совхозларда чорва қишловини намунали ўтказишга беосита раҳбарлик қилишлари лозим. Жойларда йирик шохли молларни, қўй ва чўчқаларни бўрдоқи қилиб боқишни ташкил этиш, шу йўл билан областимизнинг илғор хўжаликлари сингари 1961 йилдаёқ икки йиллик планда белгиланган миқдорда гўшт сотилишини таъминлаш лозим.

Чорва қишлайдиган отарларга, сутчилик фермаларига емхашак озуқаларини ўз вақтида ташиб етказиб бериш — соғин сигирлар сутини кўпайтиришнинг, бўрдоқига боқилаётган молларни тез семиртиришнинг асосий гаровларидан бири эканлигини унутмаслик зарур!

Ҳаммадан муҳими шундаки, колхозларнинг правлениелари, совхозларнинг дирекциялари, бошланғич партия ташкилотлари чўпонларга, молбоқарларга, сут соғувчиларга ҳар тарафлама қулай иш шароити яратиб берсинлар. Улар ўртасида социалистик мусобақани кенг авж олдириб, ҳалол меҳнатга рағбатлантирсинлар, иссиқ киймкечаклар, зарур асбоб-ускуналар билан етарли таъминласинлар.

Областимиз чорвадорлари январь Пленумининг қарорларидан тегишли хулоса чиқариб олишлари керак. Биз ҳали ишга солинмаган резервларни қидириб топиб, чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш йўлида чинакамига кураш олиб боришимиз лозим.

Чорвадор ўртоқлар, ўз зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олаётган ўз касбдошларингиз сафида бўлингиз. КПСС Марказий Комитетининг улкан режалар белгилаган январь Пленуми қарорларига амал қилиб, жонажон партиямизнинг навбатдаги XXII съезди шарафига социалистик мусобақани янада кучайтириб юборайлик.

ОҚҚЎРҒОНЛИКЛАР ЖАВОБИ

Оққўрғон районининг меҳнаткашлари етти йилликнинг учинчи йилида янги муваффақиятларни қўлга киритиш учун курашмоқдалар. КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларидан руҳланган район меҳнаткашлари бу йил мамлакатга 42 минг тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олдилар.

Комплекс механизацияни жорий қилиш пахта ҳосилдорлигини оширишда муҳим резервлардан эканлигини ҳисобга олган оққўрғонликлар бу йил 11 минг гектар ерга квадрат-уялаб чигит экиш, шундан 1500 гектар ерга уяларга белгиланган миқдорда чигит ташлайдиган сеялкалар ёрдамида экиш мажбуриятини олдилар.

Пахта теримида илғор ва тажрибали механизаторларнинг иш усули кенг қўлланилади. Машиналар билан 12 минг тонна пахта терилади.

1961 йилда Оққўрғон райони бўйича гўшт, сут, жун топшириш планлари 1 октябргача бажарилади. Оққўрғонликлар давлатга пландан ташқари 400 тонна гўшт, 300 тонна сут, кам деганда 100 минг дона тухум топшириш мажбуриятини олдилар. Давлатга 94 тонна пилла сотилади.

Оққўрғон районининг колхозчилари, совхоз ва РТС ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари бу юксак мажбуриятларни тўла-тўкис бажариш учун ҳозирдан бошлаб социалистик мусобақани қизитиб юбордилар.

Ҳар юз совлиқдан 140 тадан қўзи оламан

Чўпонлик менга ота касб, отаримдаги қўйларни зоотехника қоидаларига риоя қилган ҳолда парвариш қилиб, совлиқлардан йилдан-йилга кўп қўзи олиш, мўл-кўл жун қирқиб олиш учун курашиб келмоқдаман. Етти йилликнинг иккинчи йилида мен эришган ютуқлар, айниқса қувончли бўлди. Ҳар юз совлиқдан мажбуриятдаги 125 ўрнига 130 тадан қўзи олдим. Ҳар бир қўйдан 3,5 килограммдан жун қирқиб топширдим.

Лекин бу кўрсаткичлар чегара эмас, албатта. КПСС Марказий Комитети январь Пленумида ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг сўзлаган нутқида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг аниқ йўллари кўрсатиб берилди. Ҳали биз фойдаланмаётган имкониятлар, резервлар кўп. Мен ана шуни ҳисобга олиб, бу йил яна ҳам унумли меҳнат қилиб, янги муваффақиятларни қўлга киритишга ҳаракат қиламан.

Ҳозир отаримизда 400 дан ортиқ совлиқ бор. Шу совлиқларнинг ҳар юз бошидан кам деганда 140 тадан қўзи олмоқчиман. Шунингдек, ҳар бир қўйдан 4 килограммдан жун қирқиб олишга сўз бераман.

Районимиздаги «Қизил туғ» колхозининг чўпони Аширмат Эштоев ўтган йили ажойиб иш қилди. У қўйларни икки марта қўзилатиб, ҳар юз бошдан 250 дан ортиқ қўзи олди. Мен ҳам бу йил Эштоевнинг усулини қўлланиб, қўйлардан икки марта қўзи олишни тажриба қилиб кўрмоқчиман.

Колхозимиз чорвадорлари КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини амалга ошириб, мамлакатга мўл-кўл маҳсулот етказиб берадилар.

А. ҚУЧҚИНБОЕВ,

Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхознинг чўпони.

ХЎЖАЛИГИМИЗНИНГ ЯНАДА РАВНАҚИ УЧУН

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг январь Пленуми қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини комплекс ривожлантириб, ҳосилдорликни ошириш учун катта программа тузиб берди. Ўртоқ Н. С. Хрушчев Пленумда сўзлаган нутқида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қандай қилиб кўпайтириш ҳақида жуда қимматли маслаҳатлар берди. Колхозимиз аъзолари Пленум қарорида белгиланган тадбирларни тўла-тўкис бажариб, хўжалигимизнинг янада равнақи учун қизғин кураш бошладилар.

Колхозчиларнинг фидокорона меҳнати туфайли ўтган йили бирмунча ютуқларга эришдик. Об-ҳавонинг қийинчиликлари матонат билан енгилди. 620 гектар майдоннинг ҳар гектаридан давлатга 35 центнердан ошириб пахта топширилди. Лекин биз социалистик мажбуриятни тўла адо этолмадик. Чорвачилик ривожлантирилиб, давлатга 65 тонна гўшт, 220 тонна сут ва кўплаб бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берилди.

Колхоз етти йилликнинг учинчи йилида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тағин ҳам кўп етиштириш, пахтадан юқори ҳосил олишни планлаштирди. Бу йил 650 гектар ерга чигит экиб, гектаридан 40 центнердан пахта етиштирамиз. Ҳар бир сигирдан 3000 килограммдан сут соғиб олинади. Бутун куч олинган барча мажбуриятларни сўзсиз бажаришга сафарбар этилди.

Колхозда кўклам экишига тайёргарлик тобора кенг миқёсда олиб борилаётир. Далага кўплаб маҳаллий ўғит чиқарилаяпти. Экин майдонлари барвақт, сифатли шудгор қилиб қўйилди. Жамоат чорвачилиги янада ривожлантирилади, гўшт, сут мўл бўлади. Биз хўжаликнинг ҳамма тармоғини сердаромад манбаъга айлантирамиз. Механизаторларимиз техникани тайёрлашга киришдилар.

Пленум қарорлари билан қуролланган колхозимиз меҳнаткашлари янги куч, янги ғайрат билан меҳнат қилиб, ажойиб муваффақиятларга эришадилар.

У. ИСЛОМОВ,

Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхози бошланғич партия ташкилотининг секретари.

Съездни муносиб совғалар билан кутиб оламиз

Колхозимиз коммунистлари ва комсомоллари жонажон партиямизнинг XXII съезди чақирилиши тўғрисидаги хушхабарни зўр завқшавқ билан кутиб олдилар. Биз съездни муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга аҳд қилдик.

Ўтган хўжалик йилидаги кўрсаткичларимиз ҳам ёмон бўлмаган эди. Пахта ҳосилдорлигини ошириш, чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш соҳасида қувончли натижалар қўлга киритилди. 849 гектар майдоннинг ҳар гектаридан қарийб 30 центнерга етказиб «оқ олтин» кўтарилди.

Мўл пахта ҳосили етиштиришда коммунистлар етакчи бўлдилар. Улар етиштирилган ҳосилни зўр ишладилар. Бу ўринда коммунист Расул Исоқовни тилга олмоқчимиз. Ўртоқ Исоқов бошлиқ бригадада 78 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34 центнерга етказиб ҳосил олинди. Коммунист Бўри Усмонов бригадасининг пахтакорлари ҳам ҳар гектаридан қарийб 36 центнердан пахта ҳосили кўтардилар.

Муваффақиятларга осонликча эришилгани йўқ, албатта. Пахтачиликда механизация кенг қўлланилди. Илғорлар тажрибасига амал қилинди.

Етти йилликнинг иккинчи йили да бошқа соҳалар ҳам ривож топди. Масалан, сут етиштиришни олайлик. 245 минг 763 литр сут соғиб олинди. Бу ўтган йилдагидан бир неча ўн тонна кўп, демакдир. Соғин сигирлардан бунчалик кўп сут соғиб олишда коммунистлар ташаббус кўрсатдилар. Коммунист Мая Федосеевна Борсикова ўз боқимидаги 12 бош соғин сигирдан 48416 литр сут соғиб олди.

Бу каби қувончли рақамларни янада кўплаб келтириш мумкин. Лекин бизни ўтган йилги ютуқлар қаноатлантирмайди.

Қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштираман деган деҳқон шу кеча-кундузданоқ курашга енг шимаради. Биз бу нарсани кўп йиллик тажрибамиз асосида гапирямиз. Чиндан ҳам келгуси йил мўл ҳосили учун шу кеча-кундузнинг ҳар бир минути ганимат. Биз шу нарсани эътиборга олиб қишки-кузги тадбирларни ҳар қачонгига қараганда ҳам уюшқоқлик билан амалга ошираяпмиз. Чигит экиладиган майдонлар кузда сифатли шудгор қилинди. Яхоб суви бериш, далага маҳаллий ва минерал ўғит ташиб чиқариш қизғин давом этяпти.

КПСС XXII съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб оламиз! Ҳар гектар ердан 35 центнердан пахта ҳосили етиштириб, йиллик планни муддатидан олдин — съезд очилиш кунигача бажарамиз!

Б. ТОЖИБОЕВ,

Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхози партия ташкилотининг секретари.

ЕРГА-ЕР ҚЎШМОҚДАЛАР

Янгиер шаҳридаги 2-«Боёвут» совхози пахтакорлари янги ер ўзлаштиришни бошлаб юбордилар.

Совхознинг 3-бўлимида янги ерларни ўзлаштириш, айниқса, ўюшқоқлик билан бораётир. Бульдозерчилардан Набижон Исмоилов, грейдерчилардан Х. Эгамбердиев, Ж. Парпиев ўртоқлар яхши ишламоқдалар. Улар агрегатлардан тўла фойдаланиб, кундалик топшириқни 1,5-2 хисса бажаришяпти.

Совхозимиз

Меҳнаткашлар депутатлари район Советларига сайлов ўтказадиган сайлов комиссиялари составини тасдиқлаш тўғрисида

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарори

«Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, поселка, қишлоқ ва овул Советларига сайлов тўғрисида Низом»нинг 43 ва 44-моддаларига мувофиқ Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети **қарор қилади:**

Район сайлов комиссиялари меҳнаткашлар жамоат ташкилотлари ва жамиятлари вакилларининг қуйидаги составида тасдиқлансин:

ЛЕНИН РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

Район сайлов комиссиясининг раиси Обид **Ҳусанов** — Тошкент темир йўл узели касаба союз ташкилотидан.

Раис ўринбосари Владимир Викторович **Окунский** — Ленин район коммунистик партия ташкилотидан.

Комиссия секретари Нури Латиповна **Юнусова** — республика Қурилиш министрлиги инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан

РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Бадриддин **Садриддинов** — Ленин район Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи ташкилотидан.

Михаил Михайлович **Швайко** — «Подъёмник» заводи ишчилари ва хизматчилари коллективидан.

Александра Петровна **Кочурина** — 93-мактаб ўқитувчилари коллективидан.

Иван Иванович **Алешин** — Тошкент тепловоз-вагон ремонт заводи ишчи ва хизматчилари коллективидан.

Воҳид **Саидов** — 2-вагон депоси касаба союз ташкилотидан.

Алла Николаевна **Чугунова** — вакцина ва сиворотка институти илмий ходимлари коллективидан.

Валентина Яковлевна **Сницер** — Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти ўқитувчилари коллективидан.

Кутби Искандаровна **Билолова** — «Қизил тонг» фабрикаси ишчи ва хизматчилари коллективидан.

КУЙБИШЕВ РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

Район сайлов комиссиясининг раиси Юсуф Муҳсумович **Аминов** — ёғочсозлик комбинати ишчи ва хизматчилари коллективидан.

Раис ўринбосари Анатолий Тауекенович **Тахтаров** — Куйбишев район коммунистик партия ташкилотидан.

Комиссия секретари — Евдокия Никодаевна **Уральцева** — «Ташпродмаш» заводи коммунистик партия ташкилотидан.

РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Григорий Артемьевич **Адамов** — «Узторгстроймонтаж» тресті касаба союз ташкилотидан.

Самиг Аҳмедович **Аҳмедов** — Тошкент врачлар малакасини ошириш институти касаба союз ташкилотидан.

Юрий Петрович **Фомичев** — экскаватор заводи комсомол ташкилотидан.

Ҳусан **Ҳолиқов** — «Ташкенткабель» заводи касаба союз ташкилотидан.

Виктор Яковлевич **Голиков** — «Узбекхлопкомаш» заводи ишчи ва хизматчилари коллективидан.

Татьяна Андреевна **Трусова** — «Ташсельмаш» заводи комсомол ташкилотидан.

Мария Яковлевна **Шчербакова** — Чкалов номидаги металл буюмлари заводи касаба союз ташкилотидан.

Зулфия **Обидова** — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги радио эшиттириш ва телевидение комитети ходимлари коллективидан.

КИРОВ РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

Район сайлов комиссиясининг раиси Ҳури **Мунавварова** — 2-болалар касалхонаси медицина ходимлари коллективидан.

Раис ўринбосари Василий Александрович **Рассохин** — Киров район коммунистик партия ташкилотидан.

Комиссия секретари Калиса Михайловна **Павловская** — «Гидрометслужба» бошқармаси касаба союз ташкилотидан.

РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Туйғун Аҳмедович **Орипов** — Киров район комсомол ташкилотидан.

Инобат **Эшонхонова** — пайпоқ-трикотаж фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Кирил Макарович **Бардюженко** — «Узбексельмаш» заводи ишчи, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Анатолий Васильевич **Горешок** — «Таштрансмаш» заводи ишчи, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан

Анатолий Филиппович **Григорьев** — илмий-техникъ комитети ходимлари коллективидан.

Мария Сергеевна **Амельченкова** — давлат план комиссияси комсомол ташкилотидан

Ҳожия **Маҳкамова** — Алоқа министрлиги ходимлари коллективидан.

Ўктам **Тошматов** — асбобсозлик заводи коммунистик партия ташкилотидан

ФРУНЗЕ РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

Район сайлов комиссиясининг раиси Неъмат **Ҳикматуллаев** — «Узгипрошахт» коммунистик партия ташкилотидан.

Раис ўринбосари — Александр Андреевич **Беседин** — Фрунзе район коммунистик партия ташкилотидан.

Комиссия секретари Анна Васильевна **Наришкина** — Тошкент тўқимачилик комбинати читта гул босиш фабрикаси касаба союз ташкилотидан.

РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Кузьма Дмитриевич **Януш** — «Таштекстильмаш» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Қутби **Рустамбекова** — гўшт комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Назрулла **Исломов** — тўқимачилик институти студентлари ва профессор-ўқитувчилари составы коллективидан

Саидмат **Нуримов** — карборунд заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Анна Георгиевна **Немодина** — 1-пойафзал фабрикаси касаба союз ташкилотидан.

Фатиха Каримовна **Беглова** — «Узторгодежда» нинг Тошкент базаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Надежда Васильевна **Павлова** — Низомий номидаги педагогика институти илмий ходимлари коллективидан.

Асқар **Исломов** — Фрунзе район комсомол ташкилотидан.

ОКТЯБРЬ РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

Район сайлов комиссиясининг раиси Баҳри **Гуломова** — «Узбекнкигаторг» ходимлари коллективидан.

Раис ўринбосари Владимир Михайлович **Травков** — Октябрь район коммунистик партия ташкилотидан.

Комиссия секретари Қунduз **Абдусаломов** — Октябрь райпишчеторги коммунистик партия ташкилотидан.

РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Василий Васильевич **Комаров** — кровать заводи касаба союз ташкилотидан.

Николай Александрович **Козлов** — Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгаши корхоналари ишчилари ва хизматчилари коллективидан.

Меҳри **Шарипова** — хотин-қизлар педагогика билим юрти ўқитувчилари ва студентлари коллективидан.

Дилора **Алиева** — Октябрь район комсомол ташкилотидан.

Фотима **Эрматова** — 76-мактаб ўқитувчилари коллективидан.

Содиқ **Сафоев** — Сталин номидаги каштачилик фабрикаси ишчи ва хизматчилари коллективидан.

Галина Михайловна **Тамбовцева** — шаҳар 1-касалхонаси медицина ходимлари коллективидан.

Ғайрат Хабибулович **Нўъмонов** — 1-мебель фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

КАЛИНИН РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ:

Район сайлов комиссиясининг раиси Абдувоҳид **Тўрахонов** — Калинин қишлоқ Совети меҳнаткашлари коллективидан.

Раис ўринбосари Раҳима **Жабборова** — Охунбобоев қишлоқ Совети меҳнаткашлари коллективидан.

Комиссия секретари Неъматулла **Саъдуллаев** — Октябрь колхози аъзолари коллективидан.

РАЙОН САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Валентин Федорович **Холодов** — 7-гишт заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Мукаррам **Юнусова** — Охунбобоев номли колхоз аъзолари коллективидан.

Гулнор Тошпўлатовна **Абдувалиева** — Калинин район комсомол ташкилотидан.

Жамол **Мусаев** — 4-боғдорчилик-виночилик совхози ишчилари, хизматчилари ва мутахассислари коллективидан.

Лидия Петровна **Иванова** — таралар заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Ҳалима **Расулова** — «Назарбек» совхози ишчилари, хизматчилари ва мутахассислари коллективидан.

Саида **Валиева** — Калинин район статистика бошқармаси ходимлари коллективидан.

Ҳафиза **Ҳожикабарова** — Карл Маркс номли колхоз аъзолари коллективидан.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Х. МАЪРУПОВ.
Тошкент шаҳар ижроия комитетининг секретари С. НОРҚУЗИЕВ.

1961 йил. 24 январь.
Тошкент шаҳри.

Янгийўлдаги пахта тозалаш заводининг коллективи бу йил колхоз ва совхозларда экиладиган чигитни тозалашга киришди. Суратда: лаборант К. Казакова ва заводнинг старший агрономи В. Мешанинов ўртоқлар экиладиган чигитнинг тозаланиш сифатини текширмоқдалар.

В. Лейзерович фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

ШОЛИПОЯ МАЙДОНЛАРИ КЕНГАЙТИРИЛМОҚДА

Шу кунларда Ўзбекистоннинг пойтахт области хўжаликларида тузилаётган ишлаб чиқариш планларида бу йил шолипоя майдонларини икки баравар кенгайтириш кўзда тутилмоқда. Чирчиқ дарёсининг одоқларида, Сирдарё соҳилларида ва Мирзачўлда шоли экиш учун янги ерлар ажратилмоқда.

Сурхондарё областидаги «Искра» колхозидан ўрнак олиб (КПСС Марказий Комитети Пленумида бу колхознинг муваффақиятлари ҳақида гапирилди), Тошкент областидаги хўжаликлардан ярмидан кўпроғи шолини қалин экиш усулини жорий қилишга қарор бердилар. Ҳар гектарда икки миллиондан ортиқ шоли кўчати қолдирилади. Бу миқдор одатдаги экиш усулидагига қараганда икки баравар кўпдир. Бу эса шолидан мўл ҳосил етиштириш имконини беради. (ЎзТАГ)

КОНЧИЛАР ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН РАССОМЛАРИНИНГ ВИСТАВКАСИ

ОҲАНГАРОН. «Кончилар» клубида Ўзбекистон рассомларининг янги асарлари виставкаси очилди. Бу виставка Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ҳузуридаги балиий виставка ва панорамалар дирекцияси томонидан ташкил қилинган.

Виставкада 20 дан кўп рассомнинг сураткашлик ва графика асарлари кўрсатилмоқда. Бу асарлар орасида Ўзбекистон халқ рассоми Ў. Тансиқбоевнинг янги пейзажлари, М. Набиев чизган расмлар, З. Коволевская ва О. Тателесоянинг этюд ва натюрмортлари бор. График рассомлардан Л. Абдуллаев, В. Кидрин, И. Юровскийлар ўз эматикаси ва техникаси жиҳатидан хилма-хил асарлар билан қатнашган. Ёш рассомлардан Г. Ткачев, Р. Тимуров, А. Абдуллаев ва А. Винерлар виставкада республика илғор кишиларининг портретлари ва пейзажлар билан қатнашганлар.

Виставкада ўз асарлари билан қатнашган рассомлар яқинда оҳангаронликлар ҳузурига меҳмон бўлиб келадилар. (ЎзТАГ).

Ерларнинг чинакам соҳибкорлари бўлайлик

Тошкент области ёш пахтакорлари ва чорвадорларининг иқтисодий конференцияси

Ўзбекистон пойтахт области ёш пахтакорлари ва чорвадорларининг биринчи иқтисодий конференцияси Тошкентда икки кун давом этди. Конференцияда пахта, маккажўхори луб экинлари, чорвачилик маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш масалалари ҳамда бу маҳсулотларнинг таннархини камайтириш йўллари муҳокама қилинди.

Конференцияда мўл ҳосил етиштирувчи бригада ва звено раҳбарларидан, район комсомол комитетлари, шунингдек бошланғич комсомол ташкилотларининг секретарларидан, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва олимлар, партия ҳамда совет ходимларидан 300 га яқин киши қатнашди.

Конференция қатнашчилари Ўрта Осиё машина-синаш станциясида, Ўзбекистонда суғориладиган деҳқончиликни механизациялаштириш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтида, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг «Красний водопад» чорвачилик институтининг тажриба базасида, Орджоникидзе районидаги Ленин номли колхозда бўлиб, пахтачилик ва чорвачиликдаги ишлаб чиқариш процессларини механизациялаштириш усуллари билан танишдилар.

Охирги мажлисда Тошкент область партия комитетининг секретари Э. Т. Шайхов нутқ сўзлади.

(Конференциянинг батафсил ҳисоботи газетамизнинг келгуси сонида босилади).

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қишлоқ хўжалигининг бошқа барча соҳалари билан бир қаторда сабзавотчиликни ривожлантириш вазифаларини ҳам белгилаб берди.

Хўш Калинин области колхоз ва совхозларида Пленум томонидан қўйилган ана шу вазифалар қандай амалга оширилаяпти?

Очиқ айтиш керакки, ҳозирги ишнинг аҳволига асосан бу саволга ижобий жавоб бериб бўлмайди. Эртаги сабзавот экишга тайёргарлик ишлари жуда суст, ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган. Район раҳбарлари кетма-кет бюро ва йиғилишлар ўтказиш билан кифояланиб, жойлардаги нуқсонларни тугатишга бепарволик билан қараяптилар. Даъвомизнинг исботи учун фактларга мурожаат қилайлик.

Эртаги карам, помидор экиш планининг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан парник хўжаликларининг ишига боғлиқдир. Ваҳоланки, парниклардаги ўраларни тайёрлаш иши кечиктириб юборилаяпти. Район партия комитетининг 12 январдаги бюро мажлисидан кейин ҳам ишда жиддий ўзгариш бўлгани йўқ. Қўшимча 659 та ўра қазиш ҳақида берилган топшириқ бажарилмади. Бор ўраларнинг кўпчилиги эса помидор уруғи сепиш, кўчатларни рассад қилишга тайёр эмас. Парник ромлари ремонт қилинмаган. 9 мингдан ортиқ ром етишмайди. Парниклар учун маҳаллий ўғит тайёрлаш мутлақо қониқарсиз бормоқда.

Хрушчев номли колхознинг «Шарқ ҳақиқати» участкасидаги парник хўжалигини кўрган киши ачинмай иложи йўқ. 105 ўрадан эндигина 12 таси тайёрланяпти. Ўраларнинг устига қўйиладиган ромларни ремонт қилишга мутлақо эътибор берилмаяпти. Парник хўжалигига мингдан ортиқ қамиш плиткаси керак бўлгани ҳолда, колхоз правлениесининг ҳафсаласизлиги натижасида фақат 200 та тайёрланибди.

— Парникда қанча одам ишлаш керак? — сўрадик бригада бошлиғи ўртоқ Ғ. Норхўжаевдан.

— Шу кеча-кундузда 40—50 киши ҳам камлик қилади. Ишлаётгани 15 дан ошмайди. Айрим кунлари уларнинг биронтасини ҳам топиб бўлмайди.

Колхоз раиси Ғ. Сайдалиев, агроном С. Эргашев ўртоқлар бу ерда ҳар куни бўлишади. Раис райком бюросида «ишда ўзгариш ясаймиз» деб қатъий ваъда ҳам берган. Лекин у ваъдасини унутди, камчиликларни бартараф қилиб, парник хўжалигида ишни яхшилаш учун зарур тадбирларни кўрмади.

Навоий номли колхознинг ўртоқ Ҳ. Ашуров бошлиқ бўлган парник хўжалигидаги аҳвол Хрушчев номли колхоздагидан ҳам ёмон. 124 та ўрадан фақат 13 таси тозаланиб, қолганларига ҳали қўл ҳам урилгани йўқ.

— Ишингизнинг мазаси йўқ, қачон помидор уруғи экиб, карамни қачон кўчат қиласиз? — деб берилган саволга у:

— Колхоз правлениеси ишчи кучлари билан таъминламаса мен нима қилай, — деб жавоб берди.

Ҳақиқатан бригада бошлиғи Ашуровнинг куюниши бечиз эмас. Ўртоқ Д. Рўзимов бошлиқ бригададан эса 10 киши аранг йиғилиб, уч соат ишлашибди-ю, бир ўрани тайёрлаб жўнаб қолишибди. Ўртоқ Ю. Исломов бошлиқ бригададан уч киши ишлапти, холос. 870 та ром ремонт қилиниши зарур. Энди 60 та ром ремонтдан чиқарилибди. Походдан плитка тўқиётган битта ҳам колхозчи йўқ. Парниклардаги карамларни кўчат қилишга қануз киришилмаган. Парник хўжалиги учун мингдан ортиқ ром талаб қилинади. Колхоз раиси ўртоқ А. Аҳмедов бўлса ҳанузгача «ром сотиб оламиз, камчиликларни яқинда тугатамиз» деб ҳотиржам юрибди.

БУГУНГИ ИШНИ ЭРТАГА ҚЎЙМА!

Чиринди гўнглардан тайёрланган стаканларга эртаги карам, помидор кўчат қилиш ҳосилдорликни оширади, экин барвақт пишади. Бу прогрессив усули жорий этиш ҳам колхоз, совхозларда қониқарсиз аҳволда. Раҳбарлар бунга консерваторларча муносабатда бўлмоқдалар. «Коммунизм» колхозининг пастки участкасидаги парникда стакан тайёрлаш учун тўрт қиз ажратилган. Улар тайёр станок бўлмаганидан қўлда ҳар куни аранг 400—500 та стакан тайёрламоқдалар. Бу «усул» билан ишланганда 200 мингта стакан тайёрлаш учун 14 ой керак.

Охунбобоев номли колхознинг Киров участкасида карам кўчатлари ҳали етилмагани ҳолда, стакан тайёрланаяпти, Охунбобоев участкасида тайёр кўчатларни ўтказиш учун стакан йўқ. Ишнинг кўзини билган деҳқон бундай қилмайди-ку! Генерал С. Раҳимов номли, Ленин номли, Куйбишев номли, «Октябрь» каби қатор колхозларда ҳам шундай аҳволни кўриш мумкин. «Назарбек», «Тошкент» совхозлари раҳбарлари, бу гаплардан сизлар ҳам тегишли хулоса чиқариб олишларингиз керак.

Мана шуларнинг ҳаммаси Калинин районида кўклам экишига тайёргарликнинг жуда суст эканлигини, помидор уруғи экиш, парниклар да етиштирилган кўчатларни бошқа ўраларга ўтказиш кечикаётганлигини равшан кўрсатиб турибди.

Ўтган йили районда кўклам экишига вақтида, пухта ҳозирлик кўрилганида, парник хўжаликлари тартибга солиниб, сабзавот кўчатлари, картошка уруғи вақтида тайёрланганида, экиш кампанияси муваффақиятли ўтган, ҳосил мўл бўлган бўлур эди.

Район колхозлари ва совхозлари раҳбарлари буни унутмасликлари, ўтган йилги камчиликларни такрорламаслик учун кўкламга пухта тайёрланишлари керак.

Ш. КУЗАНБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Кишилар билан ишлаш — марказий масала

(КИРОВ РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН)

□ □ □

Киров области пойтахтимиздаги йирик ва саноатлашган районлардан биридир. Бу ерда «Узбексельмаш», «Таштрансмаш», ремонт-подшипник, ремонт-экскаватор каби йирик корхоналар кўп. Район меҳнаткашлари Иванов областидаги Кинешма шаҳри меҳнаткашлари билан социалистик мусобақани авж олдириб, шонли етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун курашда яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар. Район саноати 1960 йил планини муддатидан илгари — 16 декабрдаёқ бажарди. Пландан ташқари социалистик мажбуриятдагига қараганда 3 миллион сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари техника тараққиёти масалалари билан чуқурроқ шуғулланадиган бўлиб қолдилар. Шу сабабли ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва механизациялаш, поток линиялари ўрнатиш, янгиликларни жорий этиш соҳасида анча иш қилинди. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1959 йилдагига нисбатан 9,2 процент ўсди. Маҳсулотларнинг юздан ортиқ хилини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Район партия конференциясида ҳисобот доклади қилган райком секретари ўртоқ В. Усмонов ва музокарада сўзга чиққан ўртоқлар шу нарсани уқтириб ўтдиларки, хўжалик қурилишига партиявий раҳбарлик даражасини ошириш туфайли ана шундай ютуқлар қўлга киритилди.

Ҳар бир соҳада ишнинг муваффақияти кадрларга, уларнинг назарий ва практик тажрибасига боғлиқдир. Шу сабабли кишиларнинг назарий ва сиёсий савиясини оширишга кейинги вақтда кўпроқ эътибор берилмоқда.

Лекин шу билан бирга докладчи ҳам, музокарада қатнашган делегатлар ҳам бу соҳада ҳали жиддий камчиликлар борлигини кўрсатиб ўтдилар. Айрим ташкилотларда кадрларни танлаш ва тарбиялашга жиддий эътибор берилмаётир. Жумладан, автобазаларда, савдо ташкилотларида худди ана шундай бўлмоқда. 1-«Ташпромторг» директори Чиркин ўз атрофига бир тўда лагандардорларни тўплаб, савдо қоидаларининг қўпол равишда бузилишига йўл қўйган. Шаҳар партия комитетининг бюроси бу ўткинчи шахсни ишдан олиб, партиядан ўчирган.

Айрим раҳбар ходимлар ўзларига юклатилган вазифаларни бажаришда масъулиятни ҳис қилмай, кўзбўямачилик билан шуғулланганлар. Жумладан, ремонт-подшипник заводининг собиқ директори Куцево ҳисоботларда корхона кўрсаткичларини жўрттага ошириб кўрсатган. Шахсиятпараст бу алдамчи раҳбар ҳам ишдан олинди.

Ёшлар ўртасида олиб борилаётган тарбиявий ишларда жиддий камчиликлар бор. Мингдан ортиқ комсомол ҳисобдан ўчирилмай кетиб қолган. Район комсомол комитети бу ёшларнинг ҳозир қаерда эканлигини билмайди. Корхона раҳбарлари ишчилар ётоқхоналарида кам бўладилар, улар билан суҳбатлашмайдилар. Тарбиявий ишларнинг бўшашиб кетганлиги туфайли айрим тузуккина раҳбар ходимларнинг болалари ёмон йўлга кириб кетган.

Район ижроия комитети милиция бўлимининг бошлиғи Ортиқхўжаев, район комсомол комитетининг секретари Орипов, 3-автобаза директори Евтушенко ва бошқа ўртоқлар ана шулар ҳақида гапирдилар. Агитация ва пропаганда ишларини олиб боришда интеллигенция кадрларидан яхши фойдаланилмаётир. Районда ҳаммаси бўлиб машғулотлар ўзбек тилида олиб бориладиган 6 та тўгарак бор, холос. Ўзбек тилида лекция ва суҳбатлар жуда кам ўтказилмоқда, ўтказилганда ҳам кўпинча қуруқ, зерикарли бўлиб, ҳаёт билан яхши боғланган ҳолда олиб борилмаётир.

Бир қатор делегатлар район партия комитети ишидаги ижобий томонлар билан бир қаторда, унинг фаолиятидаги камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтдилар.

— Район партия комитети, — деди ўз сўзида Тошкент Давлат университети партия комитетининг секретари ўртоқ Аъзамхўжаев, — ҳали ҳам бизга юзаки раҳбарлик қилмоқда. Кўпинча справка сўралади, турли хил йиғилишларга чақирилади. Бундай йиғилишлар одатда шошма-шошарлик билан, пухта ўйланмасдан чақирилади.

— Район партия комитетининг иш услубини, фикримча, ўзгартириш керак, — деди гидрометереология техникумининг директори ўртоқ Баранов.— Баъзан шундай бўлади: райкомдан телефон қилишиб, бир соатдан кейин йиғилиш бўлишини ва бу йиғилишга албатта келиш кераклигини айтишади. Ахир ҳар бир ташкилот раҳбарининг ўзига яраша плани, ўзига яраша режаси бор-ку! Шу вақт ичида эҳтимол бизда бирор мажлис белгиланган, техника кенгаши чақиришни мўлжаллаб қўйгандирмиз, ёки бирор бошқа тадбир белгиланган. Бу ҳақда ўз ташкилотимиз ходимларини огоҳлантирганмиз. Табиийки, ҳамма тайёргарлик кўрган. Аммо бу билан райкомнинг иши йўқ, «етиб келинг» дейишдими, албатта ҳамма ишни ташлаб бориш керак.

— Райкомга чақиришади, келасан, қандайдир бир справка тайёрлаб беришни сўрайдилар. Эртасига куни бўйи шу справкани тайёрлаш билан овора бўласан ва ниҳоят кечқурун келтириб топширасан. Лекин қўлингдан справкани олишадида яна бир янги топшириқ беришади. Бу менимча, яхши иш услуби эмас, — деди ремонт-экскаватор заводи партия ташкилотининг секретари ўртоқ Конунников.

Шунингдек, музокараларда «Узбексельмаш» заводининг директори Терентьев, район ижроия комитетининг раиси Браилов, пахтачилик бўйича давлат махсус конструкторлик бюросининг бошлиғи Раҳмонов, абразив заводининг директори Эргашев, республика Госпланининг бўлим бошлиғи Жеребцов, давлат банки Ўзбекистон конторасы партия ташкилотининг секретари Носиров ва бошқа ўртоқлар қатнашдилар.

Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Қ. Муртазоев нутқ сўзлади.

Конференция ишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Ё. С. Насриддинова, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Г. А. Габриельянц, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзоси Г. Ф. Наймушин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Н. Д. Худойбердиев, Тошкент область партия комитетининг секретари Х. Р. Мусахонова, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Х. О. Маъруповлар ўртоқлар қатнашдилар.

* * *

Район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Ўртоқ А. А. Акромов район партия комитетининг биринчи секретари, В. А. Рассохин ва А. С. Абдуллахонова ўртоқлар райком секретарлари қилиб сайландилар.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» *материаллари изидан*

«Ароқхўрлар»

Газетамизнинг ўтган йил 25 декабрь сонидаги «Уртўмоқ» бўлимида юқоридаги сарлавҳа билан босилган танқидий хабарга редакция қуйидаги жавобни олди:

«Оққўрғон» совхозидаги 23-сон ўрта мактабнинг ўқитувчилари Краузе, Лобов ва Перепёлкинларнинг доимо ичкилиқбозлик билан шуғулланиб, совет ўқитувчиси номига доғ тушириб келаётганликлари ҳақидаги фантлар текширишда тўла тасдиқланди.

Хабар мактаб партия ташкилотининг район партия комитети, халқ маорифи бўлими, совхоз партия ва касаба союз ташкилотлари вакиллари ҳамда барча ўқитувчиларнинг иштирокида ўтказилган очиқ партия йиғилишида муҳокама қилинди.

Йиғилиш қатнашчилари Краузе, Лобов ва Перепёлкинларнинг нолойиқ хатти-ҳаракатларини қаттиқ қораладилар.

Краузе ва Перепёлкин ўртоқларга қаттиқ партиявий жазо берилди. Ўқитувчи Лобов ва мактаб директори Антонов ўртоқларга халқ маорифи бўлимининг буйруғи билан қаттиқ виговор эълон қилинди.

ҚОСИМОВ.
Оққўрғон район халқ маорифи бўлимининг мудири».

БОСИЛМАГАН ХАБАРЛАР ИЗИДАН

Чора кўрилди

Газетхонларимизнинг редакцияга ёзган хатларидан бирида Комсомол майдони билан шаҳар бозори ўртасидан, айниқса дам олиш кунлари автобусларда ниҳоятда тиқилинч ва тартибсизликлар бўлиб туришидан норозилик билдирилган эди.

Шаҳар автобуслар трести бошқарувчисининг ўринбосари ўртоқ Б. Кершенбергнинг редакцияга маълум қилишича, маршрутдаги камчиликларни бартараф қилиш учун парк раҳбарларига пассажирлар гавжум бўлган дам олиш кунлари қўшимча машиналар ажратиш тўғрисида топшириқ берилган. Бу маршрутдаги автобусларнинг нормал қатновини таъминлаш шаҳар автобуслар трести ходимларининг контроллиги остига олинган. Октябрь район пенсионерларидан жамоатчи контролёрлар ажратиб қўйилган.

СЪЕЗДДАН—СЪЕЗДГАЧА

„КОЛХОЗ ҚИШЛОҒИДАГИ АНА ШУ ИЛҒОР КИШИЛАР БИЗНИНГ ПЕШҚАДАМ КИШИЛАРИМИЗДИР. АНА ШУ КИШИЛАРГА ТЕНГЛАШИШ КЕРАК“. *Н. С. ХРУШЧЕВ*

Янгийўл районидаги Хрушчев номли колхоз аъзолари КПСС Марказий Комитети январь Пленуми белгилаган тадбирлар асосида XXII съезд шарафига қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини комплекс ривожлантириш йўлида қизғин кураш бошладилар

Суратда: колхознинг илғор кишилари (чапдан) звено бошлиғи И. Ваҳобов, бригадир У. Жўраев, теримчилардан Д. Аҳмаджонова, Ҳ. Ўтамбоева, звено бошлиғи А. Нурматов мироб А. Маликов ўртоқлар.

В. Салов фотоси.

АҲДИМИЗ 50 ЦЕНТНЕРДАН

Пахта майдонларини кенгайтираборыш, ҳосилдорликни йилдан-йилга ошириш бригадамиз аъзолари олдида турган энг муҳим вазифа ҳисобланади. Партиямиз XXI съезди бўлиб ўтган 1958 йилда бор-йўғи 50 гектар еримиз бор эди. Ўша йили эл хирмонига 35 центнердан «оқ олтин» тўкдик. Ерга-ер, ҳосилга-ҳосил қўшмаган деҳқон чинакам деҳқон эмас. Маслаҳатлашиб, ички имкониятларни ишга солиб, 1960 йилга келганда пахта майдонимизни 90 гектарга етказдик.

Эрта баҳордан уюшқоқлик билан иш бошладик. Об-ҳаво ноқулай келди-ю, мургак ғўзаларни дўл уриб кетди. Лекин бригадамиз аъзолари саросимага тушиб қолмадилар. Ҳар туп ғўзани ўз фарзандларидек авайлаб, меҳр билан парвариш қилдилар. Қатор ораларини белгиланган муддатларда икки томонлама юмшатишга, вақтида озиқлантиришга, қондириб сугоришга ҳаракат қилдик. Ғўзаларимизнинг ривожини яхшилаб, ҳар гектар ерда мўлжалдаги ҳосилни етиштиришга эришдик. Натижа ёмон бўлмади. Гектаридан 47,9 центнердан «оқ олтин» кўтардик. Бу ишда Юрсиной Жиянгозиева, Анор Аҳмедова каби чевар теримчиларимиз 10—15 минг килограммдан пахта териб, кўпчиликка манзур бўларли иш қилдилар.

Бу йилги режаларимиз катта. Жонажон партиямизнинг XXII съездига муносиб меҳнат совғаси тайёрлашга аҳд қилдик. Пахта майдонимиз 170 гектарга етказилди. Сифатли шудгорлаб қўйилди. Етарли миқдорда маҳаллий ўғит жамғардик. Ариқ-зовурларни тозалашни тамомлаш олдида турибмиз.

Бригадамиз аъзолари Партиямиз Марказий Комитетининг январь Пленуми қарорларига амал қилиб, гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олдилар. Биз бу мажбуриятни шараф билан бажариш учун ҳозирдан пахта тайёргарлик кўрмоқдамиз.

Ж. УСАРОВ,
бригада бошлиғи.

«Ватан олдидаги ўз бурчини бажармоқ учун ҳамма имкониятлардан қийин шароитларда ҳам фойдалана олиш мумкинлигини, жумладан, Тошкент областидаги уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, машҳур пахта устаси Ҳамроқул Турсунқулов бошчилик қилаётган Хрушчев номли қишлоқ хўжалик артели мисолида кўрсатиб берса бўлади. Бу колхозда бутун майдондаги деярли ғўзанинг ҳаммасини дўл уриб ва сел ювиб кетди, лекин шунга қарамай, колхоз тегишли чораларни кўрганлиги натижасида давлат планинигина эмас, шу билан бирга, ўзининг социалистик мажбуриятини ҳам бажарди».

(КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг материалларидан).

ДАВР ЧАҚИРАДИ

(ЛАВҲА)

<>

Январь ҳам қурғоқчилик келди. Осмон биллурдай мусаффо. Худди баҳор шабадасидек майин ел эсиб, дилларни қитиқлайди. Бундай пайтларда тананг яйраб, баракали меҳнат қилишга интиласан киши. Чиндан ҳам шундай. Колхоз устахонаси ҳар кунгидай бугун ҳам гавжум. Кимдир трактор моторини кўздан кечиради, кимдир универсалнинг аллақандай винтларини бураб, мойлайди. Нариги ҳонадан зарб билан урилаётган болгаларнинг тарақ-туруғи эшитилади. Ҳа, бу ерда қайноқ меҳнат нафаси кезаяпти. Ёз бўйи тиним билмай саратонниг иссиқ жазирамасида руль бураб, ҳар туп ғўзани меҳр билан парвариш қилган, пўлат елканлари бункеридан эл хирмонига тонна-тонналаб «оқ олтин» тўккан, ниҳоят кузу-қишнинг ачиқ изғиринларига бардош бериб, ер кўксини тилиб шудгор қилган механизаторлар энди устахонада иш бошлашди.

Ана, икки қиз универсал атрофида парвона. Уларга бой тажрибага эга бўлган Иброҳим йўл-йўриқ кўрсатиб турибди.

— Чакки эмас, кўзингиз пишиб қолибди, гайкани яхши ўрнатдингиз, — Чўлпонойнинг ишидан кўнгли тўлиб деди Иброҳим, — киши уддасидан чиқмайдиган иш йўқ. Ҳамма гап интилишга, ҳаракатга боғлиқ, — Иброҳим ҳозиргина гайкани бураб текшириб кўрган ключини ерга қўйди-да, мойли қўлларини артди. — ахир Шўхия иккаланг из астойдил қаст қилиб мақсадга эришдинглар, энди ўз тенг-қурларингиздан тортиб, колхозимизнинг каттадан-кичиги қойил қолиб ўтиришибди. Хабарим бор, қўишга кетаётганларингизда «э, чакки қилишибди, трактор ҳайдашни уларга ким қўйган эди», дегувчилар ҳам бўлди. Мана энди улар тан беришиб, Чўлпон билан Шўхияга қойилмиз, деб ўзлари айтишаяпти.

— Жуда ҳам мақтаб юбордингиз, Иброҳим ака, — универсал моторини ҳаракатга келтиришга урониб кўраётган Шўхия гапга аралашди. — Биздақанги машинада пахта терган хотин-қизлар кам дейсизми? Биз билан бирга ўқиган баъзи дугоналаримиздан хийли орқада қолиб кетдик. Турсуной опани кўяверинг, унинг тажрибаси зўр. Биз сингари биринчи йил теримга тушган бўлакли Саодат, юқори чиқиклик Ҳурбувиларни айтмайсизми? 200 тоннадан ҳам ошириб юборишди.

— Тўғри айтдинг, Шўхия, — иқрор бўлиб сўз бошлади Чўлпон, — улар астойдил интилишди, ғайрат қилишди.

Суҳбатдошлар бир нафас жим бўлишди-ю, ишга берилишди. Шу пайт Иброҳимнинг бошида бошқа бир фикр кезарди. Шўхия номини тилга олган Саодат билан Ҳурбувилар 200 дан оширган бўлишса, оширгандир. Ахир уларнинг ерлари текис, ундан кейин баҳорда ғўзаларини дўл урмагандир. Бизда-чи? Машинабоп ер кам, пастбаланд. Дўл урган ғўзаларнинг қоматини тиклаб олгунча озмунча машаққат чекилдими? Эҳ-ҳе, каттадан-кичик ҳаммамиз бир ёқдан бош чиқариб, бир неча кунлаб уйку билмай, этик ечмай, дала бошида қолиб кетдик. Ҳаракатдан баракат деб мана шунисига айтадилар-да. Кўпдан қуён қочиб қутилмас экан, шу кўпчиликнинг кучи, ғайрати билан улкан хирмон кўтардик.

— Иброҳим ака, бу йил 200 тоннага етказмоқчиман, эл-юрт олдида шундай деб зиммамга мажбурият олсам уддасидан чиқа оларминкинман? — Чўлпоннинг шу сўзлари билан Иброҳимнинг ҳалиги ҳаёллари тарқалди.

— Нега уддасидан чиқмас экансан, биринчи йили тажриба орттирдинг, энди машинанинг жилови сенинг қўлингда, — деди у.

Ҳа, Чўлпоной билан Шўхия Вревскийга трактор ҳайдашни ўрганамиз деб йўл олаётганларида, ҳалигидай, Иброҳим айтган ишончсизлик баъзи кишиларда йўқ эмас эди. Икки дугона ана шу ишонгисизликни йўқотиш, эл-юрт олдида уялиб қолмаслик туйғуси билан техникани яхши ўрганиб олишга жазм қилишди. Колхозга қайтиб келиб, терим машинаси рулига ўтирилган дастлабки дақиқаларни айтмайсизми? Кўпчиликнинг кўзи шу икки қизга, уларнинг ҳаракатига тикилган эди. «Машина юрмай қолса-я, пахта тўкилиб нобуд бўлса-я, қандай уятли иш бўлади, ана, айтмадикми» дейишади. Чўлпонойнинг ҳам, Шўхиянинг ҳам дилида ана шу фикр кезарди. Йўқ, иш бошқача бўлиб чиқди. Ҳар иккала ёш механизатор пўлат елканларини дадиллик билан ҳайдаб, янги касбни пухта эгаллаб олишганлигини кўрсатишди. Одамларнинг юз-кўзларида табассум пайдо бўлди, ишонч туғилди.

Ўша кундан бошлаб Шўхия билан Чўлпоной бир-бирлари билан беллашишга қарор қилишди. Иккаласининг ҳам биринчи йил машина рулини бураши. Қани, ким кўп тўрар экан? Кўпчилик кузатиб борди.

Дастлабки кунлари хирмонга 1,5-2 тоннадан «оқ олтин» тўккан Чўлпоной кейинги кунларда иш суръатини анча тезлаштирди. Баъзи кунлари бункердан тўккан пахтаси 3,5—4 тоннага ҳам етди. Шўхия ҳам бўш келгани йўқ. Мусобақадошдан ортда қолмаслик учун пўлат отини қамчилади.

Колхозда йиғим-терим тугалланганда, она-Ватан хирмонига колхоз бўйича 4210 тонна «оқ олтин» тўкилганида, 40—47 центнердан ҳосил олган Жўра Ўсаров, Мамат Камолов, Ёқуб Сарибоев бошлиқ бригадаларнинг азамат кишилари фахр ва ифтихор билан тилга олинганда, ҳамма Чўлпоной билан Шўхияга ҳам офарин дейишди. Чўлпоной ўз машинаси бункеридан эл хирмонига 120 тонна, Шўхия эса 100 тонна «оқ олтин» тўкди.

Қадрдон Никита Сергеевич Хрушчевнинг машҳур механизатор Турсуной Оҳуновани эришган муваффақиятлари билан табриклаб ёзган мактуби, Турсунойнинг Катта Кремль Саройида партиямиз Марказий Комитетининг Пленумида иштирок этганлиги, унинг баланд минбардан туриб, 322 тонна «оқ олтин» терганлиги ҳақида ғалаба рапорти берганлиги — мана шуларнинг ҳаммаси барча турсунойчилар каби Чўлпон билан Шўхиянинг ҳам юрагига чўғ солди. Опа-сингиллар, этакдардан воз кечинг, техникани эгалланг, ҳамма машина теримига! Бу Турсунойнинг чақириғи — давр чақириғидир. Чўлпоной Хўжаназарова, Шўхия Қораева ҳам ана шу чақириққа лаббай деб жавоб берган ўнларнинг-юзларнинг сафидадирлар.

Ҳар иккала дугона колхознинг барча аъзолари сафида туриб, ўзаро социалистик мусобақани кучайтириб шу кеча-кундузда ўз агрегатларини мавсумга тахт қилиш учун курашмоқда. Уларнинг ҳар бири КПСС XXII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, бу йилги мавсумда 200 тоннадан «оқ олтин» термоқчи.

Ғайратингизга, ҳимматингизга балли, сингиллар!

У. ЖОНГИТОВ.

Партиямиздан чексиз миннатдормиз

Яқиндагина колхозимиз раиси, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул ака Турсунқуловга унинг туғилган қишлоғида бюст ўрнатилди. Бу — йирик хўжаликка чорак асрдан ортиқ моҳирлик билан раҳбарлик қилиб келаётган, пахтачиликни, чорвачиликни ривожлантириш йўлида бетиним курашаётган, колхозчиларнинг йилдан-йилга тўқ ва маданий ҳаёт кечиришларини таъминлаш йўлида улкан тадбирларнинг амалга оширилишига муносиб ҳисса қўшаётган кишига — Ҳамроқул акага партия ва ҳукуматимиз томонидан берилган юксак баҳодир. Унинг КПСС Марказий Комитети январь Пленумида иштирок этганлиги ҳам халқ орасида катта обрў-эътибор қозонганлигини кўрсатади. Ҳамроқул ака партиямиз Марказий Комитетининг январь Пленумидан жуда бой таассуротлар билан қайтди. У киши бизга қишлоқ хўжалигини бундан буён янада ривожлантиришнинг улкан режаларини белгилаб берган Пленум ҳақида сўзлаб берди. Пахта ҳосилдорлигини ошириш, чорвачилик ва хўжалигимизнинг бошқа тармоқларини ривожлантириш борасида ҳали фойдаланилмай ётган резервларимиз кўп эканлигини пайқаб олдик. Биз бу резервларни ишга солиб, жонажон партиямиз XXII съездини катта ютуқларни қўлга киритган ҳолда кутиб олиш учун тинмай курашамиз.

Колхозда пахтачилик ривожлангани, чорва туёғи кўпайиб, унинг маҳсулдорлиги ошиб бораётгани сари кишиларнинг ҳаёти ҳам кундан-кунга фаровонлашиб бормоқда.

Партиямизнинг XXI съездидан кейинги ўтган давр ичида қишлоғимиз қиёфасининг таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганлиги билан ҳақли равишда қувонамиз. Қисқа давр ичида пишиқ гишт билан ишланган, ҳар бири 4—6 хоналик 224 уй-жой биноларга пахтакорларимиз, чорвадорларимиз, боғбонларимиз ихтиёрига топширилди. 3 миллион сўм сарф этилиб, катта маданият саройи қад кўтарди. Бу сарой яқин кунлар ичида колхозчиларимизнинг дам олиб, ҳордиқ чиқарадиган маданият ўчоғига айланади.

Биз колхозимизда пахта заводи қуришга қарор қилдик. Ахир пахтанинг толаси ўзимизда ишлаб чиқарилганлиги ва бизнинг завод маркази билан тўқимачилик комбинатларига тола юборилиши қанчалик яхши. Бу кимни қувонтирмайди дейсиз. Завод тез кунда ишга тушади.

1958 йилда колхозимизда фақат 30 гектар боғ бор эди. 1960 йилга келиб токзорларимиз, мевалари ширин-шакар боғларимиз 170 гектарга етказилди. Мана шуларнинг ҳаммаси қишлоғимиз ҳуснигаҳусн қўшиб, ажойиб файз бахш этди.

Эндиликда колхозимизнинг қайси бир хонадонига кирманг, радиоприёмникдан музика садоси эшитасиз. Телевизор экранидан фильмлар тамоша қиласиз. Ильич чироқлари порлаб турганлигини кўрасиз. 500 хўжаликка водопровод ўрнатилган, радиоузел ишлаб турибди. Ўзимизнинг кўпгина газетамиз ҳам бор.

Бунчалик бойликни, маданий ҳаётни ким берди? Жонажон партиямиз, ҳукуматимиз берди. Пахтакорларимизнинг, чорвадор ва боғбонларимизнинг ҳалол меҳнатларига берилаётган юксак баҳо туфайли ҳаётимиз кундан-кунга гуркираб яшнямоқда.

Ўз меҳнатингинг самарасини кўриб, нақадар хурсанд бўласан, киши. Меҳнатга бўлган муносабат-муҳаббат ҳам ортиб борар экан. Бунга Жўра Ўсаров, Мамат Камолов, Ёқуб Сарибоев ўртоқлар бошлиқ пахтачилик бригадаларининг аъзолари мисол бўла олади. Бу бригадаларда пахта майдони йилдан-йилга кенгайиб борди. Ўтган йили 40—47 центнердан «оқ олтин» кўтарилди. Чўлпон Хўжаназарова, Шухия Қораева сингари турсунойчиларимиз дастлабки йил бўлишига қарамасдан машиналар бункеридан хирмонга 100—120 тоннадан «оқ олтин» тўкишди. Надя Климетова, Салима Арслонова каби сут соғувчиларимиз ўзларига бириктирилган ҳар бош сигирдан 4—4,5 минг литрдан сут соғиб олишга эришдилар. Колхозимизда меҳнатга ана шундай онгли муносабатда бўлаётган азамат кишиларимиз хўжалигимизнинг гуркираб-яшнашига катта ҳисса қўшмоқдалар.

1961 йилда амалга оширадиган тадбирларимиз ҳам оз эмас. Консерва заводи қурмоқчимиз. Яна 100 гектардан ортиқ боғ барпо этамиз. 500 хўжаликда газ плиталари ёнади. Бунинг учун пулимиз ҳам, кучимиз ҳам етарли.

Биз КПСС Марказий Комитети январь Пленуми белгилаб берган тадбирлар асосида қишлоқ хўжалигимизни янада ривожлантириш, колхозчиларимиз фаровонлигини ошириш, жонажон партиямиз XXII съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш йўлида тинмай курашаверамиз.

И. РАШИДОВ,
партия ташкилотининг секретари.
Р. ИЎЛДОШЕВ,
агроном, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.
Е. МИРСУЛАЙМОНОВ,
ферма мудири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

МАДАНИЯТ САРОЙИ ҚАД КЎТАРМОҚДА

Маданият саройи. Бу икки сўзда жуда катта мазмун бор. Ҳалол меҳнатдан кейин шу саройнинг кутубхонасида мириқиб китоб ўқиш, шахмат-шашка, биллиард ўйнаш, ҳашаматли клуб залида концерт ва кинофильмлар кўриш қандай завқли!

Колхозда ана шундай улкан маданият саройининг қурилиши хўжаликнинг иқтисодий жиҳатдан бақувватлашиб бораётганлигини, колхозчилар даромади мислсиз ўсганлигини кўрсатади. Қурилиш асосан 1960 йилнинг эрта кўкламидан бошланди. Материаллар ўз вақтида етказиб бериб турилганлиги сабабли саройнинг асосий қисми эрта қуриб тамомланди. Умумий иш ҳажмининг қарийб 75 проценти бажарилди. Саройнинг ўнг ва чап қанотидаги хоналар фойдаланиш учун тайёр. Ҳар иккала қанотда колхоз правленеси, бошланғич партия ташкилоти, комсомол ташкилоти, бухгалтерия, кутубхона, буфет, гардероб хоналари жойлашади. Ўртада катта клуб. Бу клуб 700 кишига мўлжалланган, унинг ажойиб саҳнаси ҳам бор. Бу саҳнада спектакллар кўрсатилса, кенг экранли кинофильмлар қўйилса бўлади.

Сарой қурилишида К. Мамадалиев, Э. Деҳқонов каби гишт терувчилар, Н. Корнилин, В. Потапов сингари дурадгорлар, А. Жегалко, А. Богомолова каби бетончилар астойдил меҳнат қилдилар. Саройни шу йилнинг май ойида фойдаланишга топширмоқчимиз. Бу — партиямиз XXII съезди шарафига азамат колхозчиларга қилган меҳнат совғамиз бўлади.

Ф. МИТРОХИН,
«Средазтрансстрой» 8-қурилиш участкасининг бригадири.

Колхозда пахта заводи

Колхоз аъзолари ўзларида етиштирилган пахталан ўз заводларида тола ишлаб чиқаришга қарор қилдилар. Шўралисойдаги пахта пункти ёнида ўтган йили қурилиш ишлари бошланиб кетди. Бу завод қурилишига колхоз 3 миллион 720 минг сўм маблағ ажратди.

Завод қурилишининг қизғин кунларида гишт терувчилардан В. Сорокин, дурадгорлардан И. Занка, сувоқчилардан Н. Ким ва Е. Виноградова ўртоқлар бошқаларга намуна кўрсатиб ишладилар.

Завод тўла қувват билан ишга туширилганда унинг сушилкасида суткасига 120 тоннадан 160 тоннагача пахта қуритиш мумкин бўлади. Бир суткада 80 тоннадан 100 тоннагача тола ишлаб чиқарилади. Бу, албатта, колхоз аъзоларининг фахридир, Тўқимачилик комбинатларига Хрушчев номли колхознинг пахта заводи маркази билан тола жўнатиш чиндан ҳам тақдирга лойиқ ишдир.

Биз заводни тез кун ичида фойдаланишга топширмоқчимиз. Бунинг учун бизда ҳамма имконият бор. Заводнинг тўла қувват билан ишга туширилиши колхозчилар ҳаётида яна бир қувончли воқеа бўлади, албатта.

В. НИЧАЕВ,
старший прораб.

КИШИЛАРИМИЗ ЯРАТГАН БОЙЛИК

Барча совет кишилари сингари колхозимиз аъзолари ҳам жонажон партиямизнинг навбатдаги, XXII съезди чақирилиши тўғрисидаги хушхабарни катта ҳурсандчилик билан кутиб олдилар. Чунки улар тарихий съезд белгилаб берадиган улкан тадбирлар янги бахт, битмас-туганмас фаровонлик келтирувчи, халқ хўжалигини бундан буён янада ривожлантириш йўлларини эчиқ-ойдин кўрсатиб берувчи енгилмас куч эканлигини ўз қалбларида чуқур ҳис қиладилар.

Чиндан ҳам шундай. Улуғ партиямизнинг XXI съездидан кейинги ўтган давр ичида колхозимиз пахтакорлари, чорвадорлари, боғбонлари эришган ютуқларга назар ташлар эканмиз, дадил қадамлар билан нақадар олга силжиганлигимизни пайқаб оламиз.

1958 йилда 162 бош соғин сигирга. 6912 бош қўй, 233 бош чўчқа, 900 га парранда, 599 бош қорамолга эга эдик. Колхозимиз аъзолари партиямиз XXI съезди белгилаб берган тадбирларни изчиллик билан амалга ошира бордилар. Чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш йўлида тинмай курашдилар. Етарли емхашак базасига эга бўлган, молларни иссиқ бинолар билан таъминлаган чорвадорларимиз **1961 йилга келиб соғин сигирлар сонини 311 бошга, қўйларни 9854 бошга, чўчқалар сонини 309, парандалар сонини 2800, қорамоллар сонини 1776 бошга етказдилар. Шу қисқа давр ичида гўшт етиштириш 198 тоннадан 270 тоннага, сут соғиб олиш 334 тоннадан 679 тоннага, пилла 6 минг 340 килограммдан 15 минг 300 килограммга, тухум тайёрлаш 31 минг донадан 74700 донага, жун қирқиб олиш 96 центнердан 140 центнерга етказилди.** Шунинг натижасида 1958 йилда чорвачилик бўйича 1 миллион 352 минг сўм даромад қилинган бўлса, 1960 йилда 2 миллион 500 минг сўм даромад олинди.

Чорвадорларимиз маҳсулот таннархини камайтириш соҳасида ҳам бирмунча дуруст натижаларга эришдилар. Бир центнер гўшт етиштириш учун сарфланадиган харажат 175 сўмгача камайтирилди. Бир центнер сут етиштириш учун 1958 йилда 167 сўм сарфланган бўлса, 1960 йилга келиб 92 сўм сарф бўлди, холос.

Қишлоқ хўжалигимизнинг асосий тармоғи бўлган пахтачиликни ривожлантириш соҳасида эришаётган муваффақиятларимиз ҳам қувончлидир. **1958 йилда пахтанинг ялпи ҳосили 3840 тоннани ташкил этган эди. Об-ҳаво ноқулай келган 1960 йилда эса она-Ватанга 4210 тонна «оқ олтин» етказиб бердик.** Пахтакорларимиз агротехника қоидаларини кенг қўлланганликлари, механизациядан тўла ва унумли фойдаланганликлари, йиғим-теримни ҳар қачонгидан ҳам уюшқоқлик билан ўтказганликлари туфайли шундай самарали натижага эришдилар. 1960 йилда бир центнер пахта етиштириш учун сарфланган харажат 1958 йилдагига нисбатан 31 сўм 25 тийин камайди.

Колхозимиз аъзолари съезддан-съездгача яна нималарга эга бўлдилар? 178 та турли хил қишлоқ хўжалик машиналари сотиб олдик. Бўлинмас фондимиз 3 миллион 100 минг сўмдан 4 миллион 300 минг сўмга етди. 1958 йилда умумий даромадимиз 15 миллион 600 минг сўмни ташкил этган бўлса, ўтган йили 18 миллион 500 минг сўм даромад қилдик. Ҳар бир меҳнат кунига илгари 16 сўм ҳар бир меҳнат кунига 23 сўм 53 тийиндан тақсимланган бўлса, 1960 йил учун мўлжалланмоқда. Колхозчиларга ҳар ойда нақд пул билан тўғридан-тўғри ҳақ тўлашга ўтилганлиги ҳам уларнинг ҳалол меҳнатга бўлган муҳаббатларини янада ошириб юборди.

Шу кунларда пахта далаларида ҳам, чорвачилик фермаларида ҳам иш қизғин. Партиямиз XXII съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун ҳар бир пахтакор, ҳар бир чорвадор ўзига берилган топшириқни сидқидиллик билан бажармоқда.

Экин майдонларининг ҳаммаси сифатли шудгор қилинган. Далага маҳаллий ўғит ташиб чиқариш, сугориш шохобчаларини тартибга солиш, техника ремонти ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Бу 1961 йилда ҳам пахта ва қишлоқ хўжалигининг бошқа экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун пухта заминдир. Чорвадорларимиз бир ғайратларига ўн ғайрат қўшиб ишламоқдалар. Қишловни намунали ўтказиш, чорва туёғини янада кўпайтириш, гўшт, сут, тухум маҳсулотларининг мўл-кўллигини таъминлаш соҳасида барча зарур тадбирлар амалга оширилаётир.

Биз КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини амалга ошира бориб партиямизнинг навбатдаги, XXII съездини ажойиб меҳнат совғалари билан кутиб оламиз.

А. ОРИПОВ,
бош бухгалтер.
Б. СУЛТОНОВ,
экономист.

Ёғ, гўшт, сут мўл бўлади

1958 йилда 162 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 1900 литрдан сут соғиб олган эдик. Бу ўша даврга нисбатан анча юқори кўрсаткич бўлса ҳам, эндиликда хўжалигимизнинг ҳамма тармоқлари бир текис ривожланиб бораётган бир пайтда кўнгил тўларли эмас.

1960 йилга келиб сут соғиб олиш икки бараварга яқин кўпайди. 311 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 3814 литрдан сут соғиб олдик.

Чорва қишловини намунали ўтказишга катта эътибор бермоқдамиз. Шу мақсад билан 11 минг 15 тонна ем-хашак, 7890 тонна силос жамғарилган. Бу соғин сигирларни ҳам, бўрдоқига қўйилган ёш, чўчқа, қорамолларни ҳам вақтида озиқлантириб, семиртириб боқиш имкониятини бераяпти.

Чорвадорларимиз партиямизнинг навбатдаги XXII съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун ўзаро социалистик мусобақани кучайтириб юбордилар. Бу йил ҳам улар камида давлатга икки йиллик план миқдорида гўшт сотиш, ҳар бир соғин сигирдан 4 минг литрдан ошириб сут соғиб олиш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Н. МИРЗАБОЕВ,
сутчилик фермасининг мудири.

КОЛХОЗ ХЎЖАЛИГИ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА





Суратда: Мирзачўлдаги 4-совхоз ишчи ва хизматчилари учун қурилган уй-жой шаҳарчаси. В. Баскаков ва В. Кожевников фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

АҚШ СЕНАТИ КЕННЕДИ ҲУКУМАТИ СОСТАВИНИ ТАСДИҚЛАДИ

ВАШИНГТОН, 22 январь. (ТАСС). Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлиги мухбирининг билдиришича, кеча сенат АҚШ янги ҳукумати министрларининг бутун составини тасдиқлаган.

Сўнгра Оқ уйда ўтказилган маросимда олий суд раиси Уоррен янги министрларни, шунингдек сенат томонидан АҚШнинг БМТ даги янги вакили қилиб тасдиқлантан Эдлай Стивенсонни қасамёд ичишга бошлаб келди. Стивенсон эгаллайдиган лавозим «кабинет аъзоси даражасига» баравардир.

Маросимда президент Кеннеди ҳозир бўлди.

Кеннеди кабинетига қуйидаги кишилар киради:

Давлат секретари — Дин Раск, 51 ёшда, «Рокфеллер фонди»нинг президенти.

Мудофаа министри — Роберт Макнамара, 44 ёшда, «Форд мотор компани» компаниясининг собиқ президенти.

Молия министри — Дуглас Диллон, 51 ёшда. Эйзенхауэр ҳукуматида давлат секретарининг иқтисодий масалалар бўйича собиқ ўринбосари.

Почта министри — Эдвард Дэй, 46 ёшда. Лос — Анжелосдаги «Пруденшл лайф иншуренс» страхование компаниясининг собиқ вице-президенти.

Ички ишлар министри — Стюарт Юдолл, 40 ёшда, Аризон штатидан вакиллар палатасининг аъзоси.

Деҳқончилик министри — Орвил Фримэн, 42 ёшда, Миннесот штатининг губернатори.

Савдо министри — Лютер Хожез, 62 ёшда, Шимолий Каролина штатининг собиқ губернатори.

Меҳнат министри — Артур Гольдберг, 52 ёшда, Америка меҳнат федерацияси ишлаб чиқариш касаба союзлари конгрессининг собиқ консультанти.

Соғлиқни сақлаш, маориф ва социал таъминот министри — Абрахам Рибиков, 50 ёшда, Коннектикут штатининг губернатори.

КЕННЕДИНИНГ ДАСТЛАБКИ ФАРМОНИ

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Матбуот Америка Қўшма Штатларининг янги президенти Кеннеди томонидан чиқарилган дастлабки фармон ҳақида хабар қилади. Бу фармон муттасил ишсизлик давом этаётган районлардаги муҳтож кишиларга ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан озиқ-овқат ёрдами беришни дарҳол кўпайтиришни буюради. Фармонда «ҳозирги вақтда 4.500 минг киши ишсиз эканлиги ва озиқ-овқат тақсимотининг ҳозирги программаси муҳтож кишиларнинг анча қисмига татбиқ этилмаётганлиги» туфайли ана шундай тадбир кўрилганлиги таъкидланади.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида чет элларда баён қилинган фикрлар

ВАРШАВА. КПСС Марказий Комитетининг Пленумида Н. С. Хрушчевнинг сўзлаган нутқи бутун поляк матбуотининг диққат марказида турибди. «Трибуна люду», «Жолнеж вольности», «Глос Праци» газеталари ва бошқа газеталар ўртоқ Хрушчев нутқидан олинган катта-катта парчаларни босиб чиқармоқдалар. Газеталар бу парчаларни «КПСС Коммунистик қурилишнинг буюк вазифаларини белгиламоқда ва амалга оширмоқда», «Совет қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш истиқболлари ва йўллари», «Қишлоқ хўжалигини муттасил ривожлантириш учун кураш — коммунистик жамият қуриш шартларидан бириди», «СССР ўз экономикасининг муваффақиятлари туфайли қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, халқ фаровонлигини янада оширишга кўпроқ маблағ ажратиши мумкин» деган сарлавҳалар остида бермоқдалар. Совет Иттифоқи, деб ёзади «Трибуна люду» газетаси, тарихий ривожланишнинг янги босқичида, коммунистик жамият қуришни авж олдириш босқичида турибди.

БЕРЛИН. «Нейес дейчланд» газетаси, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленумида Н. С. Хрушчевнинг сўзлаган нутқи ҳамма мамлакатлардаги одамларнинг эътиборини жалб қилди, коммунизм дўстларини руҳлантирди, деб таъкидламоқда. «Нейес дейчланд» газетаси «Мўлчилиққа эришиш йўлида» сарлавҳали редакцион мақоласида бундай деб ёзади: КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари Совет Иттифоқидаги тарихий ривожланишнинг янги босқичи — коммунизм қуришни авж олдириш босқичи тўғрисида гапирди. Қишлоқ хўжалигига тааллуқли бу босқичнинг характерли хусусияти шуки, қудратли саноат ва кучли мудофаанинг мавжудлиги Совет Иттифоқига қишлоқ хўжалигини ривожлантирмоқ учун жуда катта маблағ ажратиш имконини беради.

БУДАПЕШТ. Венгриядаги «Хетфен хирек» газетаси Н. С. Хрушчевнинг КПСС Марказий Комитети Пленумида сўзлаган нутқининг қисқа баёнини эълон қилиб, бундай деб ёзади: Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг истеъмолдан илдамроқ боришини таъминлайдиган ҳолатга эришиш совет қишлоқ хўжалигининг асосий вазифаси бўлиб қолди.

Қишлоқ хўжалигини табиат иншиқликларига боғлиқ бўлмайдиган қилиб ривожлантирмоқ учун СССР маблағларнинг катта қисмидан фойдаланиш имконятига эга бўлиб қолди. «Хетфен хирек» газетаси КПСС Марказий Комитети Пленумининг аҳамиятини таъкидлаб, бу Пленумда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида шу йилнинг ўзидаёқ олга томон катта қадам қўйиш ҳақида қарор қабул қилинди, деб ёзади.

АДДИС-АБЕБА. «Войс оф Эфиопиа» газетаси КПСС Марказий Комитети Пленумида ўртоқ Н. С. Хрушчев сўзлаган нутқининг қисқа баёнини биринчи саҳифада «Советлар истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиради» деган катта сарлавҳа остида босиб чиқарди.

Н. С. Хрушчев нутқидаги, ҳозир Совет Иттифоқи шундай қудратли индустрияга, шундай бақувват мудофаага эга бўлиб қолдики, энди у ўз саноатини янада ривожлантиришга ва мудофаани мустаҳкамлашга зарар етказмай туриб, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун, совет халқининг фаровонлигини янада юксалтирмоқ учун кўпроқ маблағ ажратиб бера олади, деган сўзларни газета алоҳида бўртириб берди.

23 январь. (ТАСС).

ХИТОЙ ГАЗЕТАЛАРИ Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚИНИ БОСИБ ЧИҚАРМОҚДАЛАР

ПЕКИН, 23 январь. (ТАСС). Пекинда чиқадиган газеталар КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчевнинг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленумида сўзлаган нутқининг баёнини бугун босиб чиқардилар. Газеталар Совет ҳукумати бошлигининг нутқидаги қишлоқ хўжалигини тинмай юксалтириш учун кураш — коммунизм қуришнинг энг муҳим шартидир, деган жойларини сарлавҳаларга чиқариб бермоқдалар.

«Дагунбао» газетаси Н. С. Хрушчев нутқига берилган кичик сарлавҳаларда бундай деб ёзади: «Хрушчев ҳозирги вазият қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг янги, тағин ҳам юксак суръатларини талаб қилаётир, демоқда. Дон хўжалигини янада ривожлантириш Совет Иттифоқида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Ирригацияни ривожлантириш — барқарор муттасил ҳосил етиштиришнинг ишончли негизидир. Омма орасида тарбиявий ишларни муттасил ва чуқур олиб бориш — меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишни сингдириш керак».

«Женьминь жибао» газетаси ҳам бугун КПСС Марказий Комитети Пленумининг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисидаги қарорининг муфассал баёнини босиб чиқарган.

Ҳинд халқининг миллий байрами

Эртага Ҳинд халқи ўз миллий байрами — Республика кунини нишонлайди. Бундан 11 йил муқаддам Ҳиндистон Республика деб эълон қилинган эди. Ҳинд халқи ўз мустақиллигини мустамлакачиларга қарши кескин кураш натижасида қўлга киритди. 200 йиллик мустамлакачилик ҳукмронлиги кишанларидан қутилган ҳинд халқи мустамлакачиликдан қолган мерос — қашшоқлик, саводсизлик ва қолоқликни тугатишга бел боғлади.

Мустақил ривожланишнинг ўтган йиллари ичида Ҳиндистон иқтисодий ва маданий қурилиш соҳасида жиддий муваффақиятларни қўлга киритди. Қуйидаги фактлар буни яққол кўрсатади: 1952—1955 йиллар мобайнида мамлакатда тахминан 240 минг гектар чўл ўзлаштирилди, 520 минг гектар ерга сув чиқарилди ва 10 мингтадан ортиқ мактаб қурилди. Мамлакатда озиқ-овқат ишлаб чиқариш ҳам анча кўпайди.

Ҳиндистон Республикаси иккинчи беш йиллик планни (1956 йил, апрель — 1961 йил, март) бир неча ҳафтадан кейин якунлайди. Ҳозир мамлакат учинчи беш йиллик планни бажаришга киришишга тайёргарлик кўрмоқда. Бу планда ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарадиган оғир саноатни вужудга келтиришга катта ўрин берилган. Оғир саноатни вужудга келтириш учун учинчи беш йилликда ажратилган ҳамма маблағнинг 50 процентини сарфлаш кўзда тутилади. Бу рақам биринчи беш йилликда оғир саноат учун ажратилган маблағдан 16 мартадан кўпдир.

Учинчи беш йиллик план лойиҳасида Ҳиндистон экономикасини ривожлантириш учун 102 миллиард сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилган. Шундан 62 миллиарди давлат секторига, 40 миллиарди эса хусусий сектор учун ажратилган. Давлат сектори учун ажратилган капитал маблағларнинг 23,1 проценти қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга сарфланади.

Учинчи беш йиллик мамлакат экономикасини янги босқичга кўтаради. Бу беш йиллик охирига бориб Ҳиндистонда электростанциялар қуввати 11,8 миллион киловаттга етиши керак. Шундан 300 минг киловатт энергия атом электростанцияларида ҳосил қилинади. План лойиҳасига кўра учинчи беш йиллик охирига бориб, кўмир қазиб чиқаришни 97 миллион тоннага, алюминий ишлаб чиқаришни 75 минг тоннага, цемент ишлаб чиқаришни 13 миллион тоннага етказиш кўзда тутилади. Озиқ-овқат ишлаб чиқариш ҳам бир мунча кўпайиши, суғориладиган ер майдонларини кенгайтириш ва мамлакатда 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган болаларни бепул мажбурий таълимга жалб этиш амалга оширилади.

Ҳиндистоннинг муҳтожлигини яхши тушунган Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар экономиканинг металлургия, машинасозлик, энергетика, нефть ва газ саноати каби энг муҳим ва ҳаётий зарур бўлган соҳаларини ривожлантиришда бу мамлакатга катта дўстона, беғараз ёрдам кўрсатмоқдалар. Улар Ҳиндистонга узоқ муддатларда тўлаш шарти билан кредит ва техника ёрдами бераётирлар. Бу ёрдам ғарб мамлакатлари қилганидек ҳеч қандай оғир шартлар билан боғланмаган беғараз ёрдамдир. «Ҳиндистонликлар, — деб таъкидлайди «Нью Эйдж» деган ҳинд журналининг редактори Р. С. Джоши, — ғарбнинг иқтисодий ёрдами бизда мустамлакачиликнинг янги формасини тиклашни кўзда тутаётганини, социалистик ёрдам эса Ҳиндистоннинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга ва ривожлантиришга қаратилганини борган сари яхши тушуниб олмоқдалар». Ҳинд халқининг мустақил Ҳиндистонни ривожлантиришдаги ҳаракатига ҳалақит беришга уринаётган ғарб давлатларининг империалистик доиралари аламларига чидай олмай Совет Иттифоқи ва социалистик лагерь мамлакатларига зўр бериб туҳмат гапларни ёғдирмоқдалар. Жумладан улар ҳинд халқига кўрсатилаётган совет иқтисодий ва техника ёрдамини Ҳиндистонга «коммунистик таъсир»нинг кириб бориши деб кўрсатишга уринмоқдалар. Улар бу билан Совет-Ҳиндистон дўстлиги ва ҳамкорлигига раҳна солмоқчи бўлаётирлар.

Лекин «Ҳинд-Совет ҳамкорлиги ва дўстлигини, — деб таъкидлайди Р. С. Джоши, — ҳар икки халқимиз ҳам кўз қорачуғидек авайлаб сақлаётирлар. Замонамизнинг муҳим тарихий воқеаси бўлган бу ҳамкорлик империалистларни тушкунликка туширимоқда ва бу дўстликни табриклаётган бутун дунёдаги соф виждонли кишиларни ҳаяжонлантирмоқда».

Ҳинд ишчилари, техниклари ва инженерлари совет мутахассислари билан бирга қураётган Бхилай металлургия заводи СССР ва Ҳиндистон халқлари дўстлиги ва ҳамкорлигининг символи бўлиб қолди. «Бхилай — деган эди Ҳиндистон бош министри Жавоҳарлал Неру Бхилай — Нагарда бўлган митингда сўзлаган нутқида, — бу янгилик символи, келажак символи, гуркираб ўсаётган Ҳиндистон символи. Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорлик — бу улуғ иш. Биз совет Россиясидан ўрганмоқдамиз, мен халқларимиз ўртасидаги дўстликнинг жонли далиллари бўлган совет мутахассисларини бу ерда кўришдан хурсандман». Бхилай металлургия заводидан ташқари бизнинг мамлакатимиз Ранчида оғир машинасозлик заводи, Дургапурда кон — шахта ускуналари заводи, Нейвеллида теплоэлектроцентраль, Бараунида нефть тозалаш заводи, оптик ойна заводи ва бошқа корхоналарни қуришда ҳам ёрдамлашмоқда.

Совет Иттифоқи билан ҳамкорликда Ҳиндистонда қурилаётган саноат объектлари мамлакатнинг индустриашда катта аҳамиятга эга бўлади.

Мустақил ривожланиш йўлига ўтиб олган Шарқ мамлакатларини қўллаб-қувватлашдек ўз сиёсатига содиқ бўлган Совет Иттифоқи Ҳиндистонга яна кўп миқдорда янги кредит беришга рози бўлди. Бу маблағ учинчи беш йиллиқнинг янги қурилишларини пул билан таъминлашга сарфланади.

Давлат ва жамоат арбоблари, санъат ва маданият ходимлари, олимлар, журналистларнинг ўзаро бир-бирларига сафарлари Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ва бир-бирини яхши тушинишни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Н. С. Хрушчев ва бошқа совет раҳбарларининг Ҳиндистонга қилган тарихий сафарлари, шунингдек Жавоҳарлал Неру, Р. Прасаднинг мамлакатимизга жавоб визити билан келишлари ҳар икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ипларини нақадар мустаҳкамлаганлиги ҳаммага маълум.

Совет ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик социал — иқтисодий тузумлари турлича бўлган давлатлар билан тинч-тотув яшаш принципи амалда қандай жорий қилинаётганлигининг ёрқин намойишидир. Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон бутун дунёда тинчлик ва хавфсизлик учун курашда ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилмоқдалар.

Тинчликсевар давлат сифатида Ҳиндистоннинг халқаро майдондаги обрўси ҳам жуда юксак. Ҳиндистон ҳуқуксиз мустамлака мамлакатидан халқаро майдонда муносабатларга катта таъсир кўрсатувчи йирик факторга айланиб қолди. Ҳиндистоннинг ҳарбий можароларга ва зўр бериб қуроллашнинг олдини олиш, атом ва термоядро қуролини тақиқлаш учун курашга қўшаётган ҳиссаси бутун дунёга яхши маълумдир. У. Хитой Халқ Республикасининг БМТ даги қонуний ҳуқуқларини тиклашни ёқлаб чиқмоқда Совет Иттифоқининг Осиё ва Африкада тинчликни мустаҳкамлаш, «совуқ уруш»ни тугатишга қаратилган ҳаракатларини қўллаб-қувватламоқда.

Тинч музокаралар олиб бориш ва инсоният тақдири учун юксак масъулият ўз зиммаларига юклатилган буюк давлатлар раҳбарларининг учрашувини ташкил этишнинг актив тарафдори бўлиб чиқаётган Ҳиндистон айни вақтда ҳамма давлатлар билан дўстлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик алоқаларини ўрнатиш учун курашмоқда.

Ҳинд халқи тинчлик бўлишидан жуда ҳам манфаатдор. Чунки у Ҳиндистонни тараққий эттириш ва гуллатиб-яшнатишнинг гарови тинчлик эканлигини яхши билади.

Ҳиндистоннинг миллий байрами кунида бутун Совет Иттифоқи халқлари каби ўзбек халқи ҳам улуғ ҳинд халқига самимий табрикларини йўллайди ва унга Ҳиндистоннинг иқтисодий, сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида катта муваффақиятлар тилайди.

М. БОБОҲЎЖАЕВ,
тарих фанлари кандидати.

Империализм билан курашда Осиё ва Африка халқларининг бирдамлиги мустаҳкамланмоқда

ҚОҲИРА, 23 январь. (ТАСС). Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги кенгашининг фавқулодда сессияси кеча бу ерда ўз ишини тамомлади.

Фавқулодда сессиянинг характерли хусусияти шу бўлдики, Осиё ва Африкадаги 29 мамлакатдан бу сессияда қатнашган вакилларнинг ҳаммаси Қўшма Штатлар бошчилигидаги империалистик мамлакатларнинг Конго, Жазоир, Лаос ички ишларига аралашишига йўл қўймаслик учун конкрет чоралар кўриши, якдиллик билан талаб қилдилар ва уларнинг бу талаби сессия резолюцияларида акс эттирилди.

Конго масаласи тўғрисидаги резолюцияда айтилдики, Стэнливилдаги ҳукумат Конгонинг қонуний ҳукумати бўлганлиги ва Патрис Лумумба бошчилигидаги министрлар совети Лумумба қамоққа олинмасдан олдин қабул қилган қарорга биноан бу ҳукумат Стэнливилда вақтинча турганлиги сабабли бирдамлик кенгашининг фавқулодда сессияси Конго билан дипломатик муносабатлар боғлаган мамлакатларнинг ҳукуматларини ўзларининг дипломатик вакилликларини Конгонинг муваққат пойтахти Стэнливилга юборишга чақиради. Фавқулодда сессия ўз қўшиларини Конгодан чақириб олишга қарор қилган мамлакатларнинг (Гвинея, Бирлашган Араб Республикаси, Индонезия ва Марокаш) ҳукуматларига ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Конгодаги қўмондонлиги остида ўз қўшиларини ҳали ҳам сақлаб келаётган Осиё ва Африка мамлакатларининг ҳукуматларига шу қўшиларни яқин вақт ичида Стэнливилдаги қонуний ҳукумат ихтиёрига беришни, бунинг учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош секретариатининг бу масалани қайтадан кўриб чиқишини кутиб ўтирмаслики тавсия қилади, чунки бу масаланинг қайтадан кўриб чиқилиши эҳтимолдан узоқдир.

Фавқулодда сессия ҳамма мамлакатларни Конгонинг қонуний ҳукумати ихтиёрига ҳар қандай ихтисосга эга бўлган кўнгиллилар юборишга чақиради, чунки қонуний ҳукумат бундай кўнгиллиларга муҳтождир.

Сўнгра резолюцияда бундай дейилади: Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги кенгашининг фавқулодда сессияси кенгашининг доимий секретариати ҳузурида Конгога ёрдамлашувчи халқаро комитет тузишга қарор қилди. Бу комитет Стэнливиль билан бевосита ва доимий алоқа қилиб туради. 13 мамлакатнинг (Конго, Гвинея, Бирлашган Араб Республикаси, СССР, Хитой Халқ Республикаси, Жазоир, Гана, Мали, Япония, Индонезия, Марокаш, Ҳиндистон ва Судан) вакилларидан иборат қилиб тузилган бу комитет Конго тўғрисида маълумотлар тўплаш билан шуғулланади ва Конго мустақиллиги учун курашувчиларга моддий ёрдам кўрсатилишини йўлга солиб туради.

Руанда-Урунди территориясига юборилаётган Бельгия қўшинлари ва бошқа чет эл қўшинлари, дейилади резолюцияда, шу территорияга қўшни бўлган мамлакатларнинг ва асосан Конгонинг хавфсизлигига ҳамда осойишталигига таҳдид солмоқда. Шу сабабли Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги кенгашининг фавқулодда сессияси васийликдаги шу территориядан чиқиб ҳаракат қилаётган қуролли шайкаларнинг агрессив ҳаракатлари пайини қирқиш чораларини кўришни талаб қилади.

Фавқулодда сессия, дейилади резолюциянинг охирида, Осиё ва Африка мамлакатларидаги халқларнинг ҳаммасини мустамлакачиликка ва империализмга қарши ўз курашларини кучайтиришга ва мустамлакачилик ҳамда империализмни батамом тугатишга эришишга чақиради.

Конгога доир резолюция билан бир вақтда фавқулодда сессия «Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги кенгашининг Африка ва Осиё халқларига хитобномаси» текстини ҳам тасдиқлади. Бу хитобномада «янги мустамлакачиларга ва империалистларнинг малайлари бўлган Мобуту, Касавубу, Чомбе ва бошқаларга қарши курашаётган мард Конго халқига актив ва конкрет ёрдам бериш» кераклиги айтилган.

Фавқулодда сессия қатнашчилари бу хитобномада халқларга мурожаат қилиб, Осиё ва Африкадаги ҳамма мамлакатларнинг ҳукуматлари Конго Республикасининг қонуний ҳукуматига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиб туришлари кераклигини, кўнгиллиларни, қурол-яроғларни ва республика мудофааси учун зарур бўлган бошқа моддий ёрдамни Конгодаги Шарқий вилоят чегарасига ва Киву вилоятига юбориб туришлари лозимлигини кўрсатиб ўтдилар.

Фавқулодда сессиянинг Жазоирга доир резолюциясида қаҳрамон Жазоир халқига қарши олиб борилаётган қонли урушда НАТО мамлакатларининг ва биринчи навбатда Қўшма Штатларнинг, шунингдек Ғарбий Германиянинг Францияга ёрдам кўрсатаётганлигига қарши кескин норозилик билдирилади. Сессия қатнашчилари Франциянинг Саҳроий Кабирда атом синовлари ўтказаётганлигига қарши; Франциянинг Жазоир халқи ўртасида мажбуран референдум ўтказганлигига шунингдек Жазоирдаги тинч аҳоли ўлдирилаётганлигига қарши норозилик билдирдилар. Фавқулодда сессия Африка ва Осиёда Жазоир Республикасининг муваққат ҳукуматини ҳанузгача танимаган ҳукуматларга мурожаат қилиб, уларни яқин фурсат ичида шу муваққат ҳукуматни танишга чақирди.

Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги кенгашининг фавқулодда сессияси Лаос тўғрисида қабул қилган резолюциясида Қўшма Штатларнинг Лаосдаги империалистик интервенциясини дарҳол тўхтатишни ҳамда Қўшма Штатлар, Таиланд, Жанубий Вьетнамнинг ва Чан Кай-ши тўдасининг ҳарбий ходимларини ва ҳарбий техникасини Лаос территориясидан дарҳол олиб чиқиб кетишни талаб қилди. Фавқулодда сессия Американинг Лаосдаги агрессиясига чек қўйиш мақсадида 1954 йилдаги Женева кенгашида қатнашган мамлакатларнинг фавқулодда конференциясини чақириши; Лаосдаги халқаро кузатиш ва контроль комиссиясини чақириши ҳам талаб қилди. Бу халқаро комиссия Лаоснинг бирдан-бир қонуний ҳукумати бўлган Суванна Фума ҳукумати билангина алоқа боғлаши лозим. Бирдамлик кенгашининг фавқулодда сессияси 1961 йил 13 март кунини «Африка ва Осиё халқларининг тинчлик, бетарафлик ва миллий бирлик учун курашаётган Лаос халқи билан бирдамлик куни» деб эълон қилишга қарор қилди.

Фавқулодда сессия Мальта, Камерун халқларининг, Арабистон ярим оролининг оккупация қилинган жанубида яшовчи халқларнинг, Фаластин халқининг миллий-озодлик курашини қувватлаш тўғрисида ҳам резолюция қабул қилди.

Сессия Бирлашган Миллатлар Ташкилотига мурожаат юборib бу мурожаатда уни Қўшма Штатлар бошчилигидаги империалистик давлатларнинг Конгодаги агрессив ҳаракатларини тўхтатишга ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қўшма Штатлар барбод қилган обрўйини тиклашга чақирди.

Фавқулодда сессия Куба революцион ҳукуматининг бошлиғи Фидель Кастрога телеграмма юборib, бу телеграммада «Америка империалистларининг Куба Республикасига нисбатан ҳарбий агрессия қилиш тўғрисидаги дўқларини қатъий қоралади ва Куба халқи билан ўзининг бирдам эканлигини билдирди.

☆

☆



Совет ва Ҳиндистон қурувчиларининг ҳамкорликдаги меҳнати билан барпо этилган Бхилай металлургия заводи Осиёда энг йирик металлургия корхоналаридан бири ҳисобланади. Суратда: Бхилай металлургия заводининг кокс батареяларн. (ТАСС фотохроникаси).

Телевизор экранида

25 ЯНВАРДА

19.00. «Қизил галстук» — телевизион журнал.
19.40. Сўнгги ахборот.
20.00. Спорт эшиттириши.
20.20. Лекция.
20.35. «Техника янгиликлари», «Меҳнаткашларнинг саволларига жавоблар». Саноат ходимлари учун рус тилида эшиттириш.
20.55. Ҳинд куйларидан концерт.
21.20. «Иблис билан учрашув» — француз саргузаштли фильми.

26 ЯНВАРДА

19.00. «Ким бўлиш керак»? Ёшлар учун рус тилида эшиттириш.
19.40. Сўнгги ахборот.
20.00. «Газаб ва кураш поэзияси». Ўзбек тилида адабий эшиттириш.
20.20. «Илмий-атеистик лекторий» циклидан «Конотни илоҳий куч яратгани?» деган эшиттириш.
20.45. «Юлдузлар» — кинноповесть.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ.

Тошкентнинг тамоша заллари ва саҳналарида

Эски Чикагода — «МИР» (кундуз ва кечқурун). «ИСКРА» (кеч соат 10-15 ва 10-50 минутда) «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз 2, 4 ва кеч 6 да).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 25/I да **Дон Кихот.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 25/I да Ҳамза. 26/I да Холисхон.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 25/I да **Паранжи сирлари («Холисхон»)**, 26/I да **Равшан ва Зулхумор.**

КИНО

Шовқин-суронли кун (кеч соат 5 да), **Кўчма қалъа** (кундуз 12,2 ва 3 яримда) — «ВАТАН».

Макр ва муҳаббат — «ВАТАН» (кеч соат 6 ярим, 8 яримда ва 10 яримда), «МИР» (кундуз 2 ва 4 да).

Даҳшатли туғилар — НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», (кундуз ва кечқурун).

Ловуллаб турган дарё — «ЎЗБЕКИСТОН», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
25 январда
«БАҲОР» ХАЛҚ РАҚС АНСАМБЛИНИНГ СССР ХАЛҚ АРТИСТИ МУКАРРАМА, ТУРҒУНБОЕВА ИШТИРОКИДА
концерти
Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
Бугун ва ҳар куни РСФСРда хизмат кўрсатган артист
Ю. ДУРОВ
гастролининг давоми
(Ўргатилган ҳайвонлари билан)
Ўзбек чавандозлари — Ўзбекистон ССР халқ артисти **Лола Ҳўжаева** ва **Анвар Ҳўжаев.**
Тамошалар давомида артист ака-ука **Ширманлар** қатнашади.
Тамоша кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

1961 ЙИЛ 30 ЯНВАРДА МОСКВА ШАҲРИДА 3% ЛИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚ ЗАЁМИНИНГ 79-АСОСИ
ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ
бўлади.
Тиражда 5.000, 2.500, 1.000, 500, 100 ва 40 сўмлик ютуқлар ўйналадн.
Бу заёмнинг облигациялари омонат кассаларида сотилади ва бемалол сотиб олинади.
3% ли заём облигацияларини сотиб олингиз!
Тошкент область давлат меҳнат омонат кассалари ва давлат кредити бошқармаси.

Ҳамза кўчаси, 47-уйда турувчи **Маҳнам Маҳамадаминовнинг** Ҳамза кўчаси, 5-тупик, 7-уйда турувчи Афруза Раҳимовна Умаровадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"
4-БЕТ. 25 ЯНВАРЬ. 1961 ЙИЛ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг АДРЕСИ:

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИН ИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор — 26334 ва 33262 орқали: Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими, Маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 50. Секретариат — 34808, 115, Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 01469.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурхи» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Нашр, Б. 1519.